



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Ш.Ўроқов¹

¹ (СамДУ)

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ КАСБИЙ СИФАТЛАРИ ВА МУТАХАССИС МОДЕЛИ

Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш муаммолари ва бўлажак бакалавр модели ҳамда унинг компонентлари, шунингдек бўлажак мутахассислар профессиограммасини ишлаб чиқишнинг замонавий талаблари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: кадрлар тайёрлашнинг сифати, мутахассис шахсияти модели, мутахассис фаолияти модели, мутахассисни тайёрлаш модели, табиий-илмий ёндашув, гуманитар ёндашув, профессиограмма компонентлари

В данной статье исследуются проблемы подготовки кадров в высших учебных заведениях и модели и их компоненты будущего бакалавра, а также современные требования разработки профессиограммы будущего специалиста



Ключевые слова: качества подготовка кадров, модель личности специалиста, модель деятельности специалиста, модель подготовка специалиста, естественнонаучной подход, гуманитарный подход, компоненты профессиограммы.

XX аср охири XXI аср бошларида саноат ва интеллектуал жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий мусобақа фан, техника, технологиялар соҳасини қамраб олди ва ниҳоят бу мусобақа таълим соҳасини ҳам четлаб ўтмади, чунки рақобатбардош кадрларни тайёрламасдан туриб, рақобатбардош иқтисодиётга эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим мамлакатда ва чет элдаги фан, техника, технология ва иқтисодий тараққиётни ҳисобга олган ҳолда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш даражасига эришишни таъминлайдиган ҳолатга кўтарилмоғи шарт. Рақобатбардош мутахассисларнинг янги авлоди истиқбол масалаларини кўя билиш ва ҳал қилиш ҳамда юксак даражада фикрлаш, шунингдек, илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий ахборот соҳасида мустақил ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлиши зарур.

Олий таълимнинг мақсади – рақобатбардош кадрларни тайёрлашни таъминлаш ва рақобатбардош таълим хизматларини кўрсатишдан иборатдир.

Ислохот давригача бўлган ушбу мақсад барча даражадаги кадрларни тайёрлаш сифатининг пастлиги натижасида тўлиқ амалга ошмаган эди. Мутахассислар тайёрлаш сифатининг пастлиги муайян даражада олий таълим тизимида ҳам мустасно эмас эди. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардир:

- иқтисодиёт эҳтиёжлари оқлаши мумкин бўлмаган, республика ижтимоий доирасига тўғри келмаган ҳолда мутахассислар чиқаришнинг оммавийлиги сохта лавозимлар номенклатурасининг ўсишига олиб келди. Ушбу омил олий таълим нуфузининг пасайишига ва унинг сифат кўрсаткичлари, яъни олий маълумотли мутахассислар меҳнати натижаларини



миқдор ва сифат жиҳатдан етарли баҳоланмаслигига сабаб бўлди. Юқори малакали мутахассисларнинг катта қисми ўртамиёна мутахассисларга характерли бўлган профессионал функцияларни адо этарди, холос.

- мутахассисларни тайёрлашда ва улардан фойдаланишда рақобатли шарт-шароитларнинг йўқлиги таълим сифатига бўлган талабларнинг ниҳоятда пасайишига сабаб бўлди.

Мутахассис тайёрлашнинг паст сифатлилигига кўрсатилган сабаблар билан бир қаторда олий таълимнинг бир хил даражали тизимини қатъий қилиб белгилаш ўз таъсирини кўрсатди, яъни кадрлар тайёрлаш жараёнида уларнинг сифатли бўлиши назарда тутилмаганди. Одатда талабаликка қанча киши қабул қилинган бўлса, шунча миқдорда мутахассис чиқарилган, олий маълумотлилиги ҳақида шунча диплом берилган, саралаш ҳоллари жуда кам бўлган.

Бундай ҳолатда битирувчилар орасида рақобатдардош имкониятига эга бўлган мутахассислар одатда 7-20%нигина ташкил этган.

Касбий таълимнинг барча соҳаларида кадрлар тайёрлашнинг сифати пастлигини ва битирувчиларнинг аксарияти рақобатбардош эмаслигини яққол кўрсатди, ана шу ҳолат Ўзбекистон Республикасига етарлича жиддий иқтисодий талофат етказди.

АҚШ, Германия, Япония, Франция ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси таҳлили шуни кўрсатдики, барча соҳаларда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро таъсири туфайли намоён бўлар экан. Яна шуни ҳам қайд этиш керакки, рақобатдардош кадрлар тайёрлаш фан, техника, технология ва иқтисодиётнинг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқилган дастурларнинг мавжудлигига боғлиқ экан.



Таълимнинг асосий мақсади талабаларни касбий жиҳатдан сифатли қилиб тайёрлашдир. Бунинг учун бирдан бир йўналиш бакалавр модели, яъни бакалавр мутахассисининг касбий сифатларини аниқлаш талаб этилади.

Меҳнат психологиясида бакалавр модели профессионал ва ижтимоий-психологик сифатлар, билимлар, малакалар ҳажми ва структурасининг инъикоси сифатида таърифланади. Шу нуқтаи назарда бакалавр модели одатда қуйидаги компонентларни ўз ичига олади:

- бакалаврнинг фаолияти тақозо этадиган психологик нормалар - профессиограммаси;
- бакалаврнинг касбий-лавозим талаблари, бакалавр фаолияти мазмунини аниқ-равшан тасвирлаш, яъни бакалавр муайян бирор лавозимга эга бўлганда касбий вазифаларни қандай ҳал қилиши;
- касбий фаолиятнинг зарурий турлари ва улар малакаси даражасининг қўшилиши.

Бакалавр моделининг биринчи компоненти ҳақида батафсил тўхталамиз. Профессиограмма бакалавр модели компоненти сифатида малакали мутахассиснинг эталон моделини ташкил этади. Профессиограмманинг мазмуни ва тузилмасига нисбатан ҳар хил ёндошишлар мавжуд. Мажмуавий профессиограммада баҳолаш натижалари, мақсади, предмети, усули, воситалари, шартлари, меҳнат кооперацияси ва ташкил қилиниши, шунингдек унинг ходимга бўлган таъсири, хавф-хатар турлари ва жадаллиги, ходимга келтирадиган фойда ҳам кўрсатилади. Аналитик(тахлилий) профессиограмма касб компонентларининг айрим характеристикалари ва касбий фаолиятнинг психологик тизилмалари, инсоннинг муҳим профессионал сифатларинигина эмас, балки унинг умумлашган норматив ва морфологик кўрсаткичларини ташкил этади. Бундай профессиограммада биринчидан, профессионал фаолиятнинг конкрет бирор кишига боғлиқ бўлмаган объектив характеристикаси ва ижтимоий тажрибадан синовдан ўтган ҳамда инсон



психологик хусусиятлари, симметрик объектив фаолияти билан мос келмайдиган ҳолда берилади.

Биз учун профессиограммага вазифавий-шахсий ёндошиш кўпроқ қизиқиш уйғотади. Бу ёндашувнинг моҳияти қуйидагича: асоси касбий вазифа бўлган анализ бирлиги – модул ажратиб кўрсатилади. Ҳар бир касбий вазифа касбий-шахсий сифатлар билан алоқада бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, касбнинг модули бу жиҳатдан меҳнат фаолиятининг объект ва субъект бирликлари комплекси сифатида тадқиқ этилади. Шу сабабдан фаолиятнинг бу типдаги элементи характеристикасига зарурий касбий вазифалар, меҳнат предмети(мақсади), касбий билимлар, меҳнат ва касбий малакалар ҳамда касбий фаолият натижаси киритилиши мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда профессиограмма қуйидаги талабларга жавоб бериш керак:

- меҳнатнинг асосий натижалари ва мақсадини аниқ ажрата билиш;
- ҳар қандай меҳнат конкрет шахснинг манфаати учун йўналтирилганлигини таъкидламоғи;
- касбнинг айрим компонент ва томонларини ажратиб кўрсатмасдан, балки унинг характеристикалар тизимидаги асосий ва муҳим бўлган қирраларини излаб топиш ва алоҳида таъкидлаш лозим;
- касб воситалари орқали инсон тараққиётининг амалга ошадиган ҳаётий йўли, меҳнат қилиш жараёнидаги психик янгиланишлар динамикаси туфайли инсон ўзига хослигини танлаши мумкинлигини намоён этиш;
- касбнинг ўзидаги истиқболли ўзгаришларни кўрсатиш;
- амалий вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган амалий вазифаларга эга бўлиш;
- зарурий тиклаб бўлмайдиган психологик касбий хислатлар, шунингдек, инсоннинг психологик ўзига хос хусусиятларини, гарчи унда



бўлмаса ҳам, лекин келажақда тикланиши мумкин бўлган психологик хусусиятларни баён этиш.

Бакалавр модели қурилишда ҳар хил вариантлар бўлиши мумкин: мутахассис шахси модели, мутахассис фаолияти модели, мутахассисни тайёрлаш модели ваа бошқалар. Шунинг учун бўлса керак, ушбу тушунчалардан етарли даражада тез-тез фойдаланадилар. Модомики, ходимнинг барча сифат ва хусусиятлари хусусида гап бораркан, демак, мутахассиснинг шахсияти модели ҳақида гап боради, агарда фаолият турлари баёни ёки ҳал қилинадиган вазифалар рўйхати берилса, демак, фаолият модели ҳақида гап боради; агарда, намунада таълим мазмуни, унинг тузилмаси, методлар тизими, ўқитиш усуллари ва воситалари ҳамда талабаларни тайёрлаш каби компонентлар ўрин олган бўлса, демак талабаларни тайёрлаш модели ҳақида гап боради.

Бакалавр шахсияти моделига муружаат қилганда «шахсият» категориясининг ўзини четлаб ўтолмаймиз. Умумий психологияда шахснинг энг муҳим психологик структуралари системаси сифатида йўналтирилганлик, характер, қобилиятлар, ва ўз-ўзини англаш ажратиб кўрсатилади. Ушбу структуранинг ҳар бири мураккаб системани ташкил этади, уни ўрганиш шахснинг тараққиёти қонунларини тушуниш учун ката аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда шахсни ўрганишда иккита қисман ишлаб чиқилган йўналиш мавжуд. Биринчи йўналиш баъзан анъанавий ёки табиий илмий деб аталади, у методологик планда тизимли-тузилишли ёндошиш ғояларига таянади. Бу йўналиш шахснинг айрим томонларини намоён этар экан, ўша йўналишнинг устун томонлари бўлишига қарамасдан, айрим камчиликлари ҳам бор. Буларнинг баёни ҳам, комплекси ҳам инсон шахсияти ҳақида тўлиқ тасаввур беролмайди. Жонли тизимларда яхлитлик қисмларни белгилайди, яъни қисмлар яхлитликни белгиламайди.



Иккинчи йўналиш инсонпарварлик деб номланган бўлиб, шахсиятга тегишли, алоҳида психологик таълим билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай караш Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубенштейн ғояларига бориб тақалади. Ушбу йўналиш доирасида одамни яхлит тушунишга интиладилар. Шахс моҳиятини бўлакларга ажратишга уриниб, олимлар анъанавий таҳлил методларининг мавжудлиги (чегараланганлиги)ни сабаб қилмоқчи бўладилар, айни замонда янги (илгари психология инкор қилган) ғояларга янгиларини жалб қилишга уринмоқдалар.

Бизнингча, ушбу изланишларни бирлаштирадиган қатъий вазият – синергетика истилоҳи билан ифодалаганда шу фактни эътироф этиш керакки, инсон ўз-ўзидан вужудга келадиган тизим ҳисобланади, яъни у ўз тараққиёти йўлини яратади, ўз йўналишини ривожлантиради, ўзининг ботиний мақсадларига биноан ҳаракат қилади.

Ушбу йўналишни физика бўлимларининг ютуқларига таянувчилардан ҳамда теологик (илоҳий) назарияларни эътироф этувчилар томонидан талқин қилиш шахс, умуман, инсон ҳақидаги ҳар хил назарияларнинг қурилишини таъминлайди. Шуниси ажабланарлики, фан ва илоҳиятни биргаликда таърифловчи назариялар тез тарқалди. Ана шу сабаб бўлиб, табиий-илмий ва гуманитар парадигмалар ғоявий жиҳатдан бир-биридан ажралди. Шунга қарамасдан гуманитар ёндашувлар замирида ётган мақсадга мувофиқ ҳақиқат ўз самараларини бермоқда. Ҳозирги замон фани томонидан илоҳиётга оид анъанавий соҳалар ушбу ёндашувларни яқинлаштиради. Бу биринчи галда фанлараро йўналиш ҳисобланган илмий изланиш, оламнинг янги қирраларини очаётган синергетиканинг хизматидир.

Ўқитувчи шахсияти тараққиётининг ҳар бир соҳаси унинг ўқувчилар билан бўлган ўзаро алоқаси моделида из қолдиради, демак, ўқитувчи ишининг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Бу жуда муҳим жиҳат бўлиб, у бўлажак ўқитувчи моделининг яна бошқа томонларини намоён этади, яъни шахсий



ривожланиш фақат касбий компетентликнинг ўсиши орқали эмас, балки янги мазмундаги даражаларга кўтарилиш ҳолларида ҳам юз беради.

Олий маълумотли бакалавр моделига ва қисман олий маълумотли ўқитувчига ҳам етарли даражада эътибор бердик, чунки олий мактаб ўқитувчиси ушбу моделларга нафақат ўз фаолиятида риоя қилиши, балки уларнинг ўзлари моделга киритилган талабларга жавоб бериши керак. Демак, бакалавр модели бошқарув фаолияти етарлича муҳим ўринни эгаллайди.

Юқорида таъкидланган фикрларимизни умумлаштирган ҳолда таълим сифатини бошқаришда бакалавр моделининг ўрнини алоҳида эътироф этамиз. Бакалавр модели эталон сифатида олий ўқув юртида юз бераётган жараёнларни квалиметрик баҳолашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Унинг ёрдамида талабалар ва ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш эканмиз, ўқув жараёнининг самарадорлиги ва сифати, бўлажак мутахассисларнинг истиқболдаги касбий ўсиши тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. –М.: Педагогика, 1989. – Т.1 –488 с.
2. Абдуллина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования. –М.: Просвещение, 1984. –207 с.
3. Яковлева Н.М., Сохор А.М. Методика и техника урока в школе – М.:Просвещение, 1985.- с.208.
4. Абдуллажанова М.А. Формирование профессиональных качеств будущего учителя в процессе обучения в педвузах (на примере учителя узбекского языка и литературы): Автореф.дис. ... канд.пед.наук. –Ташкент, 1991. –17 с.



5. Юзликаев Ф.Р. Интенсификация процесса дидактической подготовки будущего учителя в педагогическом институте: Монография. –Ташкент: Фан, 1995. –203 с.